

**ЁШЛАР ЎРТАСИДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ КАДРИЯТЛАРНИ
ЮКСАЛТИРИШНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ****Амонова Ҳикоят Иноятовна***Бухоро давлат тиббиёт институти “Биокимё” кафедраси доценти, т.ф.н.*

Аннотация: Мақолада жамият тарақққиётида ёшлар маънавий тарбиясининг ўрни таҳлил қилинган. Глобаллашув даврининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилган. Жамиятни модернизациялаш жараёнида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда сиёсий маданиятнинг ўрни тадқиқ қилинган. Миллий маънавий қадриятларни юксалтиришнинг асосий жиҳатлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: Қадрият, сиёсий маданият, маънавият, глобаллашув, тарбия, маърифат.

**ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНО-ДУХОВНОГО
ПОТЕНЦИАЛА МОЛОДЕЖИ**

Аннотация: В статье анализируется роль духовного воспитания молодежи в развитии общества. Уделяется особое внимание на специфических чертах эпохи глобализации. Изучена роль политической культуры в повышении социальной активности молодежи в процессе модернизации общества. Раскрыты основные аспекты повышения национальных духовных ценностей.

Ключевые слова: Ценности, политическая культура, духовность, глобализация, образование, просвещение.

**MAIN FACTORS OF INCREASING THE NATIONAL AND SPIRITUAL POTENTIAL
OF YOUTH**

Annotation: The article analyzes the role of spiritual education of youth in the development of society. Particular attention is paid to the specific features of the era of globalization. The role of political culture in increasing the social activity of young people in the process of modernizing society has been studied. The main aspects of increasing national spiritual values are revealed.

Keywords: Values, political culture, spirituality, globalization, education, enlightenment.

Ўзбекистон - ёшлар мамлакати. Аҳолининг қарийб 65% ни ёшлар ташкил қилади. Ёшлик - бу ахлоқий идеални излаш, мақсадларни ва ҳаётий позицияни шакллантириш, касб танлаш, оилавий ҳаётга тайёргарлик палласидир. Ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизлар учун улар фаолияти ижтимоий фойдали бўлишигина эмас, балки бу фаолият ўз шахсий мақсадларига, интилишларига

мувофиқлиги, ҳаёт режаларининг амалга ошишига мумкин қадар тўлароқ кўмаклашиши ҳам ғоят муҳимдир. Аллома Форобий айтганидек: "... инсон юксак камолотга эришуви йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи ўйлаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади"[1].

"Глобаллашув даврига келиб, - деб ёзади тадқиқотчи Б.Умаров, - тараққиёт борасида ўзгача қараш – воқеа ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган ҳолда, синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади... Назарий жиҳатдан қараганда, тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъий назар, халқаро меҳнат тақсимооти тизимига уйғунлашиб бораётган, хорижий сармояларни ўз иқтисодиётига изчил жалб этаётган ҳамда замонавий технологиялар сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун глобаллашув жараёнлари туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти туғилди"[2]. Глобаллашув туфайли бутун инсоният яратилаётган жаҳон илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлмоқда, маданиятлар ва цивилизациялар алмашинуви жадаллашмоқда.

Ёшлар фаолияти, тарбияси, саъй-ҳаракати ҳаётимиз мезонидир. Ҳозирги кунда эътибор берадиган бўлсак, асосан, ёшларнинг калби ва онги учун кечаётган ғоявий курашларнинг кучайганини кўрамиз. Ёшлик даври дунёқарашнинг шаклланиши, эътиқоднинг мустаҳкамланиши учун ўта муҳим босқич ҳисобланади. Жамоатчилик фикри бўйича, мафкуравий бўшлиқни йўқ қилиш борасида, инсон учун энг адолатли ва маънавий бой, жамият учун энг қулай одил мафкура босқичига ўтиш лозим. Инсонни, халқни, давлатни мафкурасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, миллий қадриятлар, пок дин, умуминсоний қадриятлар асосий босқичлари ҳисобланар экан, бу борада миллий ўзлиқни англаш, янгича тафаккур кенг шаклланиши зарур.

Ёшлар онгига соғлом мафкурани сингдириш жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиши даркор. Миллий мафкурани шунчаки ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди. Миллий мафкуранинг асосий йўналишларини, унинг ўзига хос хусусиятларини мутафаккир олимлар ва тарбия ишлари билан шуғулланувчилар бевосита ишлаб чиқади. Лекин бу мафкура шу мамлакатда яшайдиган барча аҳолининг, зиёлининг, айниқса иқтидорли ёшларнинг юрагига ғоялар, туйғуларни мужассам этиб, унга бунёдкорлик руҳини бахш этади. Ёшларда миллий истиқлол ғояларининг асоси ҳисобланган Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, юрт тинчлиги, комил инсонни тарбиялаш каби масалаларнинг иқтидорли талабаларимиз онгига сингани анча сезиларли даражада ижтимоий ҳаётда ва амалиётда ўз аксини топиб бораёпти. Фақат билим маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг афзалликларини қадрлай олади. Демократик жамиятнинг моҳиятига етмасдан туриб, жамият аъзоларининг ҳуқуқий савиясини юксалтирмай туриб, демократик давлат қуриб бўлмайди.

Ёшлар ўртасида миллий-маънавий қадриятларни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқ зарур. Жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини

юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш; юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш; ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш; иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш; ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш; вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишини олдини олиш; баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш шулар жумласидандир.

Жамиятни модернизациялаш жараёнида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда, биринчи навбатда, уларда сиёсий онг, сиёсий дунёқараш ва маданиятни юксалтириш лозимдир. Ижтимоий фаолликнинг негизини инсоннинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ташкил этади. Фаолият қандай мақсадга ва қандай механизмларга таянишини яхши англамай, билмай туриб жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришда қатнашиб бўлмайди. Шунинг учун махсус адабиётларда сиёсий маданиятга давлат-жамият-шахс муносабатлари ўртасида риоя этиладиган нормалар, қадриятлар сифатида жамиятнинг сиёсий идеалини, тажрибасини ва бошқарувга оид фаолиятларини ифода қиладиган воқелик, сифатида таъриф берилади[3]. Сиёсий маданият умумий маданиятнинг муҳим тури, жамият аъзолари, миллат, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ҳамда ҳар бир фуқаро давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тушуна билиш қобилияти, таҳлил қила олиш даражаси ва сиёсий вазиятга қараб, мустақил равишда ўз хатти-ҳаракатларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш маданиятидир[4]. Демак, ҳар бир ёш фуқаронинг сиёсий маданияти жамиятни барқарорлик, миллатлараро муносабатларда тотувлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, мамлакатни модернизациялашда ҳисса қўшишдан иборат бўлиши даркор. Ёшлар сиёсий фаоллигининг юксалиши жамият тараққиётининг муҳим элементларидан ҳисобланади. Бошқача айтганда, ёшларда сиёсий маданият ва масъулият ҳисси қанчалик юқори бўлса, уларнинг жамият иши учун жавобгарлиги шунчалик юқори бўлади. Сиёсий фаол ва масъулиятли ёшлар аҳоли орасида турли мафкуравий, информацион, ғоявий хуружларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги кунда фуқароларимиз, жумладан, ёшларимиз ўртасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Миллий ва маънавий мерос ва қадриятлар тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг таркиби қуйидагилардан

иборат: тарихий мерос ва тарихий хотира; илм-фан ютуқлари; ахлоқий фазилатлар; диний қадриятлар; маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, қадимий қўлёзмалар; урф-одат, анъана, маросимлар; маърифат, таълим-тарбия.

Бугунги кунда бизнинг жамиятимизда шахс маънавий хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. Жамиятимиз аъзоларининг миллий онгига таъсир қилиш, миллий урф-одатларимизга, маданиятимизга нисбатан бўлаётган хуружлар вайронкор сиёсий кучларга қўл келмоқда.

“Оммавий маданият”нинг кенг тарқалиши, “енгил” ҳаёт тарзини тарғибот қилишга уринишларнинг кундан кунга кучайиб бораётганлиги ҳам жамиятда миллий маънавий қадриятларга путур етказишга қаратилган хатти-ҳаракатдир. Файласуф Ю.А.Шрейдер таъкидлаганидек: “Бизга хавф солаётган ҳалокатлардан энг даҳшатлиси, бу атом, иссиқлик ва шунга ўхшайдиган Ерга инсониятни жисмонан йўқ қилиб ташлашга қодир бўлган вариантлар эмас, балки антропологик вариант, яъни одамдаги одамийлик, инсонийликнинг йўқ қилинишидир”[5].

Энг муҳими, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини юксалтиришда ёшларимиз онгига мустақилликнинг буюк неъматларини мазмун-моҳиятини сингдириш салмоқли ўрин тутди.

Ватанга муҳаббат туйғусини ёшлар қалбига сингдириш концепцияси қуйидагича бўлмоғи лозим: чуқур миллий, умуминсоний, тарихий, ғоявий-сиёсий, илмий-назарий дунёқарашни сингдириш; ёшларда миллий тафаккур, ғурур ва ўзликни, миллий виждон ва умуминсоний баркамолликни тарбиялаш; ёшларда оташин ватанпарварлик ва ҳарбий жасоратни, Ватанга садоқатни тарбиялаш; ёшларни Ватан ва халқ, миллат ва жамият олдидаги муқаддас бурчларни чуқур ҳис этиш ва уларга садоқат руҳини сингдиришдир.

Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий ислохотларда фаол қатнашиш, ёшларга Ватан озодлиги учун кураш олиб борган фидоий аجدодларимиз жасорати, уларнинг тарихий меросини чуқур ўрганиш, зиёлилар олдида турган долзарб вазифага айланди.

Ҳар қандай фанни ўқитиш жараёнида қуйидаги масалаларга алоҳида ўрин бериш мақсадга мувофиқдир: умуминсоний қадриятларга содиқлик; миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш; тарихий шахслар тимсолида Ватанга муҳаббат ва Ватанпарварлик туйғуларини сингдириш; буюк мутафаккирларнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш; халқимиз маънавий меросини янада ривожлантириш.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир... Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр

тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”.

Хулоса қилиб, шуни айтиш лозимки, ҳалол ва пок, маънавий етук, миллий ғурури юксак, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган, озод ва обод Ватан тараққиёти учун кураша оладиган ва керак бўлса олижаноб мақсад йўлида ўз жонини қурбон қилишга тайёр ёшларни тарбиялаш олий ўқув юртларининг асосий вазифасига айланиши лозим. Бундай авлод ўз келажагини ярата олади. Бугунги кунда жамиятимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш учун етарли шарт-шароитлар мавжуд. Бунинг натижаси ўларок, миллатимиз ғурури ва ифтихори жаҳон узра юз тутмоқда. Буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий айтганларидек: «Инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувдир, аввало у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувини ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин у бахт-саодатга олиб борадиган иш – амал ва воситаларининг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зурур. Сўнгра эса бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади».

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.М.Хайруллаев "Форобий". - Тошкент., 1963. – Б.260
- 2.Б.Умаров "Глобаллашув зиддиятлари" –Т.: Маънавият, 2006. –Б.7
3. Мухаев Р.Т. Политология. – М.: Приер, 1997. – С. 260–261.
- 4.Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тўлдирилган учинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2006. –Б.317.
- 5.Шрейдер Ю.А. Утопия или устройство //Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. –М.:1990. –С.25
- 3.О.М.Ёриев, Ҳ.И.Амонова, А.А. Мажидов "Карбонсувлар алмашинуви, карбонсувларнинг ҳазмланиши, сўрилиши" услубий қўлланма, Бухоро 2015 й.
4. Замонавий таълим технологиялари.Абдикаюмов З.А. Тошкент , "Янги аср",2003.
5. Янги педагогик технологияларнинг йуналишлари,муаммолари ва ечимлари.Тошкент,1999.
- 6.Niyazov L.N. Amonova H.I., Gulamova M.T. Keys texnologiyalarining tabiiy fanlarni o'qitishdagi o'rni. / Monografiya. – Buxoro: 2020.
7. Amonova H.I "TO'QIMACHILIK SANOATIDA MAHSULOT SIFATI VA RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH" Международный научный журнал № 14 (100), часть1 «Научный Фокус» Июня, 2024:375-387
8. Амонова Хикоят Иноятовна. «ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СОЦИАЛИЗАЦИИ СТУДЕНТОВВ СОВРЕМЕННОМ ТРАНЗИТИВНОМ ОБЩЕСТВЕ». PSIXOLOGIYA ILMIY JURNAL № 2, 2025 :54-58

9. Амонова Хикоят Иноятовна «РАЗВИТИЕ КРЕАТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ БУДУЩИХ МЕДИКОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ В ВУЗЕ» Ta'limda istiqbolli izlanishlar - xalqaro ilmiy-metodik jurnal Buxoro, 2025. № 5-son:136-140

10. Амонова Хикоят Иноятовна «Tibbiy kimyo fanini o'qitishda vaziyatli masalalardan foydalanishning afzalliklari.» Ta'limda istiqbolli izlanishlar //xalqaro ilmiy-metodik jurnal. Buxoro, 2025. № 2-son:239-244

11 Амонова Хикоят Иноятовна «ОСНОВНЫЕ ПЕДАГОГИКО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ И ПОДХОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ БИОЛОГИЧЕСКОЙ ХИМИИ» Ta'limda istiqbolli izlanishlar //xalqaro ilmiy-metodik jurnal. Buxoro, 2024. № 9-son:232-239

12. Х. И. Амонова. (2023). НАБЛЮДЕНИЕ ХИМИЧЕСКОГО ИЗМЕНЕНИЯ КРАХМАЛА В ПОЛИМЕРНЫХ КОМПОЗИЦИЯХ. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 176–192. извлечено от <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/13108>

13. Амонова, Хикоят Иноятовна. "ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ШЛИХТЫ И ОШЛИХТОВАННОЙ ПРЯЖИ ПРИ РАЗЛИЧНЫХ КОНЦЕНТРАЦИЯХ СЕРИЦИНА." PEDAGOG 6.10 (2023): 64-88.

14. Амонова, Хикоят Иноятовна. "АНАЛИЗ ИЗУЧЕНИЯ ФИЗИКОХИМИЧЕСКИХ И МЕХАНИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ШЛИХТУЮЩИХ ПОЛИМЕРНЫХ КОМПОЗИЦИЙ." PEDAGOG 6.10 (2023): 110-128.

15. Амонова, Хикоят. "СВОЙСТВА ПОЛИМЕРНОЙ КОМПОЗИЦИИ НА ОСНОВЕ КРАХМАЛА, СЕРИЦИНА И ПОЛИАКРИЛАМИДА." Евразийский журнал медицинских и естественных наук 3.4 (2023): 124-131.

16. Амонова, Хикоят Иноятовна. "ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АСОСИЙ МЕТОДОЛОГИК ВА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАР." TA'LIM VA RIVOJLANISH Tahlili ONLAYN ILMIY JURNALI 2.12 (2022): 265-270. World of Science May, Volume-7, Issue-5 240

17. Амонова, Хикоят Иноятовна. "Методика Приготовления Шлихтующих Полимерных Композиций." AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI 1.7 (2022): 192-203.

18. Amonova, Hikoyat Inoyatovna. "Rigidity and Resistance of Sized Yarn." INTERNATIONAL JOURNAL OF BIOLOGICAL ENGINEERING AND AGRICULTURE 1.4 (2022): 34-39.

19. Amonova, Hikoyat Inoyatovna. "Scientific Substantiation of the Use of Sericin to Improve the Efficiency of Cotton Yarn Sizing." Eurasian Journal of Engineering and Technology 11 (2022): 30-33.

20. Amonova, Hikoyat Inoyatovna. "Properties of Aqueous Solutions of the Polymer Composition and their Influence on the Effect." International Journal of Formal Education 1.9 (2022): 15-23.

21. Amonova, Hikoyat Inoyatovna. "Study of Stiffness and Endurance of Sizing Yarns." Web of Scholars: Multidimensional Research Journal 1.5 (2022): 103-109. 22. Amonova, Hikoyat Inoyatovna, and Sadikova Susana Shavkievna.

"PHYSICOMECHANICAL CHARACTERISTICS OF SACKED YARN WITH SYNTHETIC POLYMERS." *Gospodarka i Innowacje*. 22 (2022): 585-591.

23. Амонова, Хикоят Иноятовна, and Сусана Шавкиевна Садикова. "ХИМИЧЕСКАЯ МОДИФИКАЦИЯ КРАХМАЛА." *Gospodarka i Innowacje*. 21 (2022): 303- 308.

24. Амонова, Х. И., and ШССФ МЕШОЧНОЙ. "ПРЯЖИ С СИНТЕТИЧЕСКИМИ ПОЛИМЕРАМИ." *Gospodarka i Innowacje* 22 (2022): 585-591.

25. Амонова, Хикоят, and Абдунаби Машидов. "Янги Ўзбекистон шароитида ёшлар тарбияси ва аждодлар мероси." *Общество и инновации* 2.8/S (2021): 361-366.

26. Амонова, Хикоят, and Сусана Садикова. "Ренессанс ва баркамол авлод тарбияси." *Общество и инновации* 2.8/S (2021): 374-378.

27. Амонова, Хикоят Иноятовна, Сусана Шавкиевна Садыкова, and Насиба Исмаиловна Худайкулова. "ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА И КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРОДУКЦИИ В ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ." *Вестник науки и образования* 2-3 (105) (2021): 7-11. 28. Амонова, Х. И. "Особенности активных методов обучения." (2020): 70.

29. Иноятовна, Амонова Хикоят, and Сусана Шавкиевна Садикова. "ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ: ОБЪЕКТИВ РЕАЛЛИК ВА ЮКСАЛИШ САРИ." *ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ* SI2N^o 5 (2020).

30. Амонова, Хикоят Иноятовна, and Сусана Шавкиевна Садикова. "Кейс как эффективный метод преподавания химических наук в высших медицинских учебных заведениях." *Вестник науки и образования* 19-2 (97) (2020): 52-54.

31. Амонова, Хикоят Иноятовна. "Особенности активных методов обучения." *Наука, техника и образование* 6 (70) (2020): 80-82. *World of Science* May, Volume-7, Issue-5 241

32. Амонова, Хикоят Иноятовна. "Научное обоснование применения серицина для повышения эффективности шлихтования хлопчатобумажной пряжи." *Universum: химия и биология* 3-1 (69) (2020): 37-41.

33. Amonova, H., and I. Shukurov. "Dressing material for the polymer composition based on synthetic polymers." *Austrian Journal of Technical and Natural Sciences* 9-10 (2019): 44-48.

34. Амонова, Хикоят Иноятовна. "Социальная активность женщин в формировании гражданского общества в Узбекистане." *Міжнародний науковий журнал Інтернаука* 1 (1) (2018): 11-12.

35. Амонова, Х. И., К. А. Равшанов, and М. Р. Амонов. "Оценка возможности применения серицина для повышения эффективности шлихтования хлопчатобумажной пряжи." *Композиционные материалы* 4 (2008): 66-68.

36. Амонова, Х. И. "Реологические свойства водных растворов полимерной композиции и их влияние на шлихтующий эффект." *Композиционные материалы* 2 (2008): 32-36.

37. С.Ф. Султанова. ВИТАМИНЫ И ЕГО БИОХИМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ / «Новости образования: исследование в XXI веке» No 16(100), часть 358-373 38. S.F. Sultanova. VITAMINS AND ITS BIOCHEMICAL IMPORTANCE/ «Новости образования: исследование в XXI веке» No 16(100), часть 1 374-389 39. Султонова С.Ф. СКОРОСТЬХИМИЧЕСКОЙРЕАКЦИИ. ХИМИЧЕСКОЕРАВНОВЕСИЕ/ SO'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI 6-JILD 12- SON 152-169

40. Sultonova S.F. В GURUH VITAMINLARNING BIOKIMYOVIY AHAMIYATI В GURUH VITAMINLARNING BIOKIMYOVIY AHAMIYATI/ SO'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY JURNALI 6-JILD 12-SON 134-151 Международный научный журнал № 14 (100), часть1 «Научный Фокус» Июня, 2024 387

41. S.F. Sultonova. VITAMINLAR VA UNING BIOKIMYOVIY AHAMIYATI/ SO'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY JURNALI 6- JILD 12-SON 117-132

42. Sultonova Sitara Faxriddinovna. KOBALTNING BIOLOGIK FUNKTSIYASI O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI 19-SON 1051- 1054

43. Султонова С. Ф. СИНТЕЗ СМЕШАННЫХ ГЕТЕРОЛИГАНДНЫХ СОЕДИНЕНИЙ АЦЕТАМИДА И АЦЕТИЛАЦЕТОНА С ХРОМОМ //Universum: химия и биология. – 2022. – №. 12-3 (102). – С. 5-8.

44. Султонова С. Ф., Норов И. И., Жумаева Д. К. Свойства полимерных композиций на основе калиевой соли полифосфорной кислоты и крахмала для шлихтования нитей// Омега сайнс //Омега сайнс. Тез. Докл. сборник статей Международной научно-практической конференции. – 2021. – С. 11-13.

45. Sultonova S., Ilgor N. PREPARATION AND STUDY OF MIXED-LIGAND COMPLEXES OF CHROMIUM WITH ACETYLACETONE AND ACETAMIDE.

46. Sitara S. CHANGE IN THE PROPERTIES OF YARN SIZED BY A NEW POLYMER COMPOSITION BASED ON MODIFIED STARCH //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 315-328.

47. Sultonova S., Ortikov S., Norov I. Features of application in the textile industry of synthetic polymer compositions soluble in natural water //Universum: Texnicheskiye nauki. – Т. 111. – №. 6. – С. 111.